• *Ўзбекистон ва Латвия*

# ДЎСТЛИК МАСОФА БИЛМАЙДИ



***Латвия Европа қитъасининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган давлатлардан биридир. Маълумки, мамлакат шўролар иттифоқининг саноати энг ривожланган республикаларидан бири эди.***



Латвияда тайёрланган микроавтобуслар, трамвай вагонлари, радио товарлар ва қандолатчилик маҳсулотларидан собиқ иттифоқнинг улкан эҳтиёжлари учун фойдаланилар эди. Республика ҳудудидаги сўлим денгиз соҳиллари эса дам оладиган оромгоҳларга айлантирилганди. Бироқ ушбу қарамлик европача яшаш ва фикрлашни орзу қилган латиш халқининг мустақиллик йўлидаги саъй-ҳаракатларига монелик кўрсата олмади. Болтиқбўйи мамлакатлари қатори Латвия ҳам биринчилардан бўлиб, яъни ҳали қизил империя мавжуд бўлган бир пайтда ўз мустақиллигини эълон қилди. Дастлаб иқтисодиётдаги аҳвол анча оғирлашди. Негаки, саноатда ички ўзгариш қилиш, рақобатга дош берадиган ва жаҳон бозори талаблари даражасига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарур бўлиб қолди. Аммо, 1994 йилга келиб, саноат ишлаб чиқаришидаги пасайишни тўхтатишга эришилди. Айнан шу йилдан бошлаб ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўса бошлади.

Латвияда бозор муносабатларига ўтиш ва хусусийлаштириш жараёнининг муваффақиятли амалга оширилиши бу энг аввало, эски тузумдан тезлик билан халос бўлганлиги ҳамда Германия, Швеция, Финляндия ва Норвегия каби илғор давлатларнинг Болтиқбўйи республикаларига иқтисодий-молиявий ёрдам кўрсатганлиги натижасидир.

Ҳозирда мамлакатда хусусий сектор ривож топиб бормоқда. Ҳар ҳафтада элликдан ортиқ янги фирмалар расмий рўйхатдан ўтказилмоқда. 1995 йилга келиб Латвиядаги қўшма корхоналар сони 3500га (1994 йили 3299) етди. Инфляция даражаси 1992 йили 960 фоизни ташкил этган бўлса, 1993 йили ушбу кўрсаткич 35 фоизга тенг бўлди. 1994—1995 йилларда эса Латвияда инфляция даражаси кескин камайиб кетди. Айни вақтда Латвия миллий пули — лат — жаҳондаги энг бақувват миллий валюталардан саналади.

Мамлакат 1995 йилда Европа Кенгашига аъзо бўлди. Европа Иттифоқига эса шартли аъзо сифатида қабул қилинди. Европа Иттифоқи билан Латвия ўртасида эркин савдо тўғрисида битим имзоланди. Натижада мамлакат иқтисодиётига хорижий сармоялар сарфлаш миқёси анча ортди. Ҳозирги пайтда мамлакат иқтисодиётига 500 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя жалб этилди. Латвия билан қўшма корхоналар барпо этиб, бу мамлакатга сармоя олиб кираётган давлатлар ҳам жаҳондаги иқтисодий бақувват мамлакатлардир. Латвияда ташкил қилинган қўшма корхоналарнинг 31 фоизи Дания, 18 фоизи АҚШ, 9 фоизи Германия, 7 фоизи Голландия, 4 фоизи Буюк Британия мамлакатларига тўғри келади.

Латвия ташқи савдода фаол сальдога эга. Ҳозирда мамлакатнинг йиллик ташқи савдо айирибошлаш ҳажми 143 миллион АҚШ долларини ташкил этаяпти. Россия, Германия, Буюк Британия, Литва, Украина, Швеция, Финляндия каби мамлакатлар Латвия ташқи иқтисодий алоқаларида муҳим ўрин тутади.

Мамлакат иқтисодиётида ва унинг жаҳон мамлакатлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатишида Рига вагонсозлик заводи, ВЭФ радио-электроника корхонаси, РАФ автомобил заводи, «Дзинтарс», «Лайма» ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарининг роли беқиёсдир. Шунингдек, мамлакат халқ хўжалигида Рига, Вентспилс, Лиепаядаги бандаргоҳлари алоҳида аҳамият касб этади. Айнан шу бандаргоҳлар орқали нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, пахта, дон, металл, кўмир ва бошқа ашёларни олиб келишда ёки олиб ўтишда кенг фойдаланиш мумкин. 1995 йили Латвия бандаргоҳлари орқали қарийб 35 миллиард тонна юк олиб ўтилди. Бу кўрсаткич Эстония бандаргоҳларидан олиб ўтилган юк ҳажмидан 11 баробар, Литваникидан 14,5 марта кўп демакдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мамлакатнинг Вентспилс бандаргоҳи қайта таъмирланса, у иқтисодий манфаат келтириши жиҳатидан дунёдаги машҳур Антверпен (Голландия) ва Гамбург (Германия) бандаргоҳларидан ҳам қулай имкониятга эга бўлар экан.

Ҳозирда Латвияда 2,5 миллион аҳоли яшайди. Ўсиш суръатлари пастлиги ва миграция натижасида кейинги беш йил ичида аҳоли сони 168 мингга камайганлиги қайд этилди. Аҳолининг асосий қисми шаҳарларда яшайди. Фуқароларнинг турмуш даражаси МДҲ мамлакатларига қиёслаганда анча юқори. Давлат секторида хизмат қилаётганларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 200 АҚШ долларидан ортиқ.

Мамлакат сиёсий ҳаёти ҳақида гапирганда, истиқлолдан кейин бир қанча партиялар вужудга келганлиги ва улар ҳокимият учун курашда фаол иштирок этаётганлигини таъкидлаш керак. «Мулкдор» демократик партияси, «Ватан ва озодлик учун» партияси, «Латвия йўли» партияси парламентда сезиларли мавқега эга. Бу партиялар мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, Европа ҳамжамиятига қўшилиш, халқ фаровонлигини таъминлаш шиорлари билан чиқмоқдалар.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил октябрь ойида ўрнатилган эди. Ҳозирги пайтда Тошкентда Латвия Республикаси элчихонаси, Ригада эса Ўзбекистон Республикаси элчихонаси муваффақиятли фаолият олиб бораяпти. Ўтган йил апрель ойида Латвия парламенти — Сеймда икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашувчи гуруҳ ташкил этилди. Зеро, Латвия Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги ишончли ҳамкор, деб билади.

Ўтган йил июнь ойида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Латвияга давлат ташрифи ва имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларни янада юксалтириш йўлида муҳим қадам бўлди. Ўшанда дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида шартнома ҳамда бир қанча битимлар имзоланган эди. Эндиликда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар барқарор тус олди. Ўзбекистонда 8 ўзбек-латиш қўшма корхонаси, Ригада эса 25 латиш-ўзбек корхонаси қайд этилган. Тошкентда машҳур латиш фирмалари — «Дзинтарс», «Вертекс»нинг ваколатхоналари очилди. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 18,8 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистон пахта толаси, пилла, доривор маҳсулотлар, сабзавот, сим етказиб бераётган бўлса, шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари, қора металлар, кийим-кечак, пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар олмоқда.

Ўтган йил октябрь ойида Латвия элчихонаси ва Тараққиёт бўйича агентлик ташаббуси билан «Ўзбекистонда Латвия тижорати кунлари» ўтказилди. Унда 40 дан ортиқ Латвия компаниялари вакиллари иштирок этди. Озиқ-овқат, енгил саноат, радиоэлектроника, ёғочни қайта ишлаш, машинасозлик, транспорт соҳаларида ихтисослашган бу фирмалар Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқдалар. Айни пайтда, Латвиянинг Рига, Вентспилс, Лиепиая каби порт шаҳарлари Европа мамлакатларидан келаётган юкларни етказиб беришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Латвияда ҳозирги пайтда мингдан ортиқ ўзбек яшайди. Улар «НУР» деб аталган маданий жамият таъсис этишган. Жамият ўзбек маданияти ва миллий анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, ўзбек тилини ўрганиш борасида қизғин фаолият олиб бораяпти. Шу билан бирга икки мамлакат ўртасидаги маданий ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Латвия Президенти Гунтис Улманиснинг мамлакатимизга ташрифи ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бири Шимолда, иккинчиси Жанубда яшаётган икки халқ истиқлолни мустаҳкамлаш, демократия ва олижаноб идеалларга асосланган, фаровон жамият қуриш йўлида бундан кейин ҳам баҳамжиҳат қадам ташлайверади.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ,**
**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**
**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг сиёсий масалалар бўйича шарҳловчилари.**

• *Янги анъаналар*

# ТРАКТОРЧИ МАРАЙИМОВЛАРНИНГ УМУМИЙ ИШ СТАЖИ САКСОН ЙИЛДАН ОШДИ

## Боғдодда уч авлод механизаторларининг учрашуви умумхалқ байрамига айланиб кетди

Республикадаги биринчи машина-трактор станция (МТС)ларидан бири йигирманчи йилларнинг ўрталарида Боғдод туманида ташкил этилган эди. Ўшандан бери МТСларнинг номи бир неча бор ўзгарди, турли тизимларга, ишлаб чиқариш корхоналарига бўйсундирилди. Лекин механизаторларнинг вазифаси сира ўзгаргани йўқ.

Туманда дастлабки МТС ташкил этилган, «Фарзон», «Универсал», ХТЗ, ЧТЗ тракторлари кириб келган жойда шу тармоқнинг вориси бўлган машина-трактор парки ташкил топди. Ҳозирги кунда бу мажмуа тумандаги барча техника воситаларини, механизаторларни ўзида жамлаган. Тармоқда 1700 дан зиёд киши меҳнат қилаяпти. 1926 йилда дастлабки МТСда атиги 18 киши ишлаганлигини қайд этсак, ўсиш суръатлари нақадар беқиёслиги аён бўлади.

Ана шу «Фарзон»ларнинг биринчи изи қолган заминга туман механизаторларининг 400 дан зиёд вакили ташриф буюрди. 15 хонадондан уч авлод, 38 хонадондан эса икки авлод механизаторларининг вакиллари иштирок этишди. Қатнашчилар биринчи бўлиб трактор рулини бошқарган Исом Бурхонов, Исмоилжон Усмонов, Мирзажон Ғозиев, Мамасиддиқ Бобоевларнинг номини қайта-қайта тилга олдилар.

Айниқса, файзли кечага шукуҳ киритиб ўтирган Мирзали Холмирзаевнинг қувончи чексиз. У салкам қирқ йил трактор рулини бошқарган. Ёнида ота касбини улуғлаб, Мирзаином ўтирибди. Уларнинг касбига, номига муносиб бўлишга аҳд қилган Илҳомжон эса бобоси изидан бориб, «Боғдод» жамоа хўжалигининг далаларига барака уруғи қадади.

Турдали Марайимов ҳам бутун умрини шу касбга бахш этган. У дастлаб трактор рулига жамоа хўжаликлари ташкил топаётган олис 1929 йилда ўтирган эди. Нафақага чиққунга қадар касбини давом эттирди. Ота изидан борган Мирзалининг иш стажи ҳам салкам ўттиз йил бўлиб қолди. Турдали ота набираси Машрабжон дунёга келганлигини трактор рулида ўтириб эшитган экан. Ҳозир Машрабжон илғорлардан бири. Ўн беш йилдан буён механизаторлик қилади, марайимовлар сулоласининг тракторчилик бобидаги умумий стажи эса саксон йилдан ошиб кетди.

Охунбобоев жамоа хўжалигида Қўчқорали Ҳасановни «универсалчи» бобо деб аташади. У ўзининг таркторини ўғли Ёқубжон Қўчқоровга топширган эди. Бугунги кунда «универсалчи бобо»нинг набираси Ҳошимжонга бобоси ўттизинчи йилларда уруғ қадаган далаларга чигит экиш, қатор ораларига ишлов бериш бахти муяссар бўлмоқда.

Ўзининг етмиш йиллик тарихига эга бўлган бу корхона нафақат Боғдод, балки, бутун Фарғона вилоятига юзлаб, минглаб механизаторларни етиштириб берибгина қолмай, Меҳнат Қаҳрамонларини ҳам рўёбга чиқарди. Шу ердан катта ҳаётга йўл олган, Марказий Фарғонанинг биёбонларини хиёбонларга айлантирган Саидаҳмад Ҳайдаров, Сайдазим Тўхтасиновларнинг кўксида Қаҳрамонлик нишонлари порлади.

Учрашувда муборак оқ ҳарир рўмолларга бир чимдим бўлиб бурканиб ўтирган онахонларнинг бундан ярим аср илгари трактор рулини маҳорат билан бошқарганига баъзида ишонқирамай қоласан ҳам. Қўштегирмонлик Бусора Акбарова, Розия Тошболтаева, мирзаободлик Саддинисо Дадабоеваларнинг номи боғдодликларнинг тилида афсонага айланиб кетган.

Учрашувда иштирок этган вилоят ҳокими Мирзажон Исломов бундай тантаналар истиқлолимизнинг хос меваси, Президентимизнинг яқинда қабул қилган «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг амалий натижаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Уч авлод механизаторларининг бундай хайрли, ҳаяжонли учрашувларини вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ўтказиш одат тусига кириб қолиши шубҳасиз.

**Набижон СОБИР,**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## UZINFO МАРКАЗИ
### ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР

### РОССИЯ ТУРКИЯ БЎҒОЗЛАРИДАН ЎЗ КЕМАЛАРИНИНГ ЭРКИН ЎТИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

***Туркиянинг ўз денгиз бўғозларидан танкерларнинг ўтиш графигини қатъийлаштириш ҳақидаги ниятини Россия ёқилғи ва энергетика министри Юрий Шафраник танқид қилди.***

У кемаларнинг бўғозлардан ўтиши ҳақидаги 1936 йил қабул қилинган конвенцияни Туркия бир томонлама ўзгартириши мумкин эмас, деди.

### ГЕРОИН ВЬЕТНАМГА КЎП МИҚДОРДА КИРИБ КЕЛМОҚДА

***Вьетнам расмий матбуотининг хабарларига қараганда, сўнгги пайтда героин контрабанда йўли билан мамлакатга кириб келиши анча кўпайган.***

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда у айни пайтда йилига 10 тоннага етган. Маълум бўлишича, божхона хизмати ходимлари 42 фунт героинни мусодара қилиб, тўққиз кишини қамоққа олганлар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, икки йил муқаддам Вьетнамда 150 минг нашаванд бўлган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 185 минг кишига етган.

### ГУВОҲЛАР ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЛАР ҲАҚИДА КЎРСАТМА БЕРМОҚДАЛАР

***Италияда собиқ СС капитани Эрих Прибке устидан суд жараёни бормоқда.***

У оккупация даврида гестапонинг штаб-квартирасида кўплаб маҳбусларни шафқатсизларча калтаклаганликда айбланмоқда. Хусусан, собиқ партизан Рикардо Манцини 1944 йил ССнинг Римдаги штаб-квартирасида Прибке унинг бурнини синдирганлиги тўғрисида гувоҳлик берди. Манцини Прибкега қарши тўрт нафар гувоҳнинг биридир.

Ҳозирда 82 ёшни қоралаган Прибке оммавий қатлу қирғинларда иштирок этганлигини тан олиб, у фақат буйруқни бажаришга мажбур бўлганлигини айтмоқда. Собиқ фашист каллакесари икки йил аввал Аргентинада қўлга олинган эди.

### ЙЎЛБАРСЛАР ЙЎҚОЛМОҚДА...

***Жаҳон табиатни муҳофаза қилиш фондининг маълумотларига қараганда, ҳозир ҳар куни биттадан йўлбарс йўқолмоқда.***

Бу эса уларнинг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келиши мумкин. Табиий шарт-шароитларнинг ёмонлашуви ва ноқонуний равишда ов қилиш йўлбарслар сонини 4 минг 600 бошга тушириб қўйди. Йўлбарсларнинг уч тури бутунлай йўқолиб кетди. Қолган беш турини эса Осиёнинг 13 мамлакатида учратиш мумкин.

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 21 майда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

**Сотув ҳажми 59,47 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 38,00 сўм даражасида қайд этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 22 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| *1 Австралия доллари* | *30,15* |
| *1 Австрия шиллинги* | *3,52* |
| *1 Англия фунт стерлинги* | *57,51* |
| *10 Бельгия франки* | *12,06* |
| *1 Голландия гульдени* | *22,19* |
| *10 Греция драхми* | *1,57* |
| *1 Дания кронаси* | *6,42* |
| *1 БАА дирхами* | *10,35* |
| *1 АҚШ доллари* | *38,00* |
| *1 Миср фунти* | *11,19* |
| *1 Ирландия фунти* | *59,34* |
| *1 Исландия кронаси* | *0,57* |
| *10 Испания песети* | *2,97* |
| *100 Италия лираси* | *2,45* |
| *1 Канада доллари* | *27,70* |
| *10 Хитой юани* | *0,46* |
| *1 Қувайт динори* | *126,67* |
| *100 Ливан фунти* | *2,41* |
| *1 Малайзия рингтити* | *15,26* |
| *1 Германия маркаси* | *24,80* |
| *1 Норвегия кронаси* | *5,78* |
| *1 Польша злотийси* | *14,24* |
| *10 Португалия эскудоси* | *2,41* |
| *1 Сингапур доллари* | *26,99* |
| *1000 Туркия лираси* | *0,49* |
| *1 Финляндия маркаси* | *8,08* |
| *1 Франция франки* | *7,32* |
| *1 Швеция кронаси* | *5,63* |
| *1 Швейцария франки* | *30,18* |
| *1 ЭКЮ* | *46,61* |
| *10 Жанубий Корея вони* | *0,49* |
| *10 Япония иенаси* | *3,56* |
| *1000 Россия рубли* | *7,62* |
| *1000 Украина карбованеци* | *0,21* |
| *1000 Беларусь рубли* | *3,06* |
| *1 Эстония кронаси* | *3,10* |
| *1 Латвия лати* | *68,72* |
| *1 Литва лити* | *9,50* |
| *1 Қозоғистон тенгеси* | *0,57* |
| *1 Қирғизистон соми* | *3,11* |

***) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

• *Бир асар таҳлили*

# ЮКСАЛИШНИНГ МУНАВВАР ТИМСОЛИ

***Маълумки, юртбошимиз 1993 йил апрель ойида бир гуруҳ ёзувчилар билан бўлган учрашувда миллий маънавият ва мафкура масалаларига доир ғояларни таҳлил ва тарғиб этиш, уларни ривожлантиришга даъват этган эди. Шуниси қувончлики, қаламкашларимиз, файласуфларимиз ва иқтисодиёт соҳаси олимлари ушбу вазифаларни бажара бориб, салмоқли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Истеъдодли публицист Нарзулла Жўраевнинг «Юксалиш» номли рисоласини ана шундай илк ижодий ютуқлардан бири, дея аташ мумкин.***

«Ўзбекистон» нашриёти томонидан 1995 йилда нашр этилган мазкур рисола таниқли файласуф, республика Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Абдулҳай Валиевнинг мухтасар сарсухани билан очилади. Мазкур рисола сиёсий публицистика жанрига мансуб бўлиб, Президентимиз сиёсий-фалсафий сиймосини (портретини) яратиш борасидаги мароқли ижод самарасидир. Муаллиф тўғри таъкидлаганидек: «Президент Ислом Каримовнинг сиёсий йўли, ўзига хос иш услубини атрофлича ўрганиш бевосита унинг шахсияти, сиёсий майдонга чиқиш жараёни ва юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабатини алоҳида публицистик асарда таҳлил этиш бугунги маънавий тараққиёт тақозосидир».

Бизда аксарият ҳолларда қаламкашлар (ҳатто баъзи файласуфлар ҳам) «тараққиёт» билан «равнақ» (прогресс) тушунчаларини фарқлаб ўтирмайдилар. Бу ҳол оху билан тоғ эчкисини бир-биридан ажрата олмасликка ўхшаб кетади. Бундай номатлуб нуқсон Президентимизнинг раҳбарлик фаолиятидаги ўзига хосликни, ундаги етакчи тамойиллар ва асосий фазилатларни пайқаб олишимизни қийинлаштиради. Хайриятки, Нарзулла Жўраевнинг китобида юқоридаги икки тушунчалар ўртасидаги фарқ таҳлилнинг меъёрий тарозиси сифатида истифода этилади. Яъни, Президентимизнинг ниҳоятда кўламдор раҳбарлик фаолияти, умуман янги жамият ва миллий давлатчиликнинг бепоён ва беадад тараққиёт йўналишларида эмас, балки миллий истиқлолимизга хос бўлган миллий равнақнинг асосий тамойиллари мисолида кенг кўламли тарзда тадқиқ этилади.

«Юксалиш» рисоласини мутолаа қилиш жараёнида китобхон унинг бир қанча фазилатларини пайқаб олиши мумкин. Хусусан, юртбошимизнинг сиёсий, маънавий, иқтисодий, ҳуқуқий ва дипломатик жабҳалардаги ранг-баранг фаолиятини маҳорат билан таҳлил этар экан, муаллиф даставвал бу тамойилларга хос бўлган бир муштарак хосиятни, яъни фалсафийликни кашф этади. Шунингдек, у миллий равнақнинг етакчи тамойилларини таҳлил этиш асносида улардан йўлбошчи, раҳбаримизга хос бўлган донишмандлик, заковатпешалик, зукколик, тийранлик, ҳушёрлик, донолик сингари хусусиятларга алоҳида тўхталиб ўтади. Иккинчидан, қайси муаммо, мавзу ёки фактни қаламга олмасин, Нарзулла Жўраев илмий ва ҳаётий ҳақиқатларга таяниб иш тутишга интилади. Яъники, илмийлик «Юксалиш» рисоласининг яна бир хислатидир. Бу китобда иқтисодиёт, тарихшунослик, руҳиятшунослик, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, фалсафа, экология ва ҳоказо билимлар Президентимиз раҳбарлик фаолиятининг тарихий мазмуни билан хислатлар, қирралар сифатида таҳлил этиб борилади.

Жанговарлик, яъни қўйилган ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг рўй-рост, аниқ-равшан таҳлил этилганлиги «Юксалиш» китобининг яна бир муҳим фазилатидир. Чунончи, муаллиф рисолада миллий мансублик ҳақида мулоҳаза юритиб, бу хусусиятни «Тириклик ва мавжудлик билан боғланиб кетадиган неъматдир», деб баҳолайди. Унинг талқинича, миллий мансублик «инсоннинг қонига, минг бир ҳужайрасига сингиб кетган, вужуд билан бирга яшайди... Буни англамаган ғариб ва бечорадир». Китобнинг 89-бетида мана бундай жанговар муҳокамани ўқиймиз: «Инсон қалбини забт этишдай буюк оламгирлик жаҳонда йўқ. Бунинг учун улкан маънавий қудрат, ҳиссий қобилият ва беқиёс халқчил сиёсат керак. Президент Ислом Каримовнинг ана шундай фазилати туфайли ислоҳотлар суръати тобора жадаллашмоқда... Буни ҳеч ким инкор қила олмайди».

Давлатимиз раҳбарининг миллий-ҳудудий, минтақавий ва умумжаҳоний ўзгаришлар, йўналишлар ва муаммоларни бир-бирига уйғунлаштирган ҳолда, ўта ҳушёрлик билан ўз муҳлатида пайқаб олиш хислатини шарҳлар экан Нарзулла Жўраев ёзади: «Давлат бошқаруви ва жаҳон сиёсати йўналишларини ислоҳ қила бориш, уларни янгича ўзанга буриш, янгича шакл ва мазмун билан бойитиш фазилати сиёсатчи учун ноёб истеъдоддир. Президент Ислом Каримов эса ўзининг ана шу хислатлари билан жаҳон сиёсатдонлари орасида алоҳида мавқега эга бўлмоқда». «Юксалиш» рисоласидаги жанговарлик, муаллифнинг фикрлаш тарзидаги услубий хусусият айни пайтда Президентимизга хос бўлган, муҳим фазилат бўлиб кўзга ташланади. Бошқачароқ айтганда, жанговар қаламкаш жасоратли ва жанговар йўлбошчимизнинг жонфидо шогирди сифатида қалам суради.

«Юксалиш» китобининг муаллифи Президент Ислом Каримовнинг миллий истиқлол концепцияси тўғри, ҳаққоний ва халқона эканлигини, турли хил мухолифатчиларнинг нуқтаи назарлари билан муқояса этган ҳолда, ишонарли бир йўсинда таҳлил этади.

Шунингдек, рисолада миллий муносабатлар, миллий ривожланиш, миллий маънавият, миллий мафкура, миллий давлатчилик ва миллатлараро тотувлик муаммолари ҳам ўзига хос маҳорат билан баён этилган. Китобхон мамлакатимиз раҳбарининг миллий масалага доир концепциясининг янги ва мароқли талқини билан танишади, миллий анъаналар, қадриятлар, тил, миллий руҳ, миллий ифтихор сингари кўплаб воқеа-ҳодисаларни Н. Жўраев миллийлик ва умуминсонийлик диалектикаси негизида тадқиқ этади. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро уйғунлиги, айни чоғда бизда бундай равнақнинг тобора кучлироқ қудрат касб этаётганлиги миллий истиқлолнинг етакчи тамойилларидан бири эканлиги исботланади ва қўллаб-қувватланади.

Мамлакатимиз раҳбарининг йўлбошчилик фаолиятида мужассамлашаётган миллий-эстетик ва ахлоқий ғоялар «Юксалиш» рисоласида ниҳоятда муҳим маънавий ақидалар тизими сифатида талқин этилган. Чунки юртбошимизнинг раҳбарлик фаолиятини ҳам, унинг сиёсий-фалсафий портретини ҳам миллий маънавиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Миллий маънавият, дунёқараш ва мафкурани эса ахлоқ ва нафосатсиз, эстетика ва этикасиз англаш мумкин эмас. Зеро, эстетика маънавиятнинг юраги, этика эса унинг дунёвий қиёфасидир. Шу боис «Юксалиш» рисоласида шарқона муносабатлар илми, ахлоқ, одоб, инсонпарварлик, бурч сингари қатор ахлоқий категориялар мезоний ақидалар сифатида истифода этилган.

Шундай қилиб, нафосат ва ахлоқ, эстетик ва ахлоқий ғоялар юртбошимиз миллий-маънавий концепциясининг бебаҳо мазмунидир. Миллий-эстетик ва ахлоқий равнақ умуман миллий истиқлол тараққиётининг маънавий тимсолидир. Шу зайлда давлатимиз раҳбарининг амалий фаолиятида сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, фалсафий, эстетик ва ахлоқий мазмун ўзаро уйғунлашган йўсинда мужассамлашмоқда. Дарҳақиқат, Президент Ислом Каримовнинг раҳбарлик фаолияти бутун мамлакатимиз ва умумжаҳон кўз ўнгида раҳномалик санъати сифатида намоён бўлмоқда.

Нарзулла Жўраев қаламкаш мафкурачи сифатида пролетар фалсафасини кўр-кўрона рад этувчи баъзи миллий мафкурачиларимиздан ўз холислиги, андишалилиги ва инсофлилиги билан фарқланиб туради. У маркcча мафкурани қатъиян ва изчил равишда инкор қилади, аммо уни метафизик усулда рад этмайди. Хуллас, муаллиф диалектикани тадқиқот ва таҳлил усули сифатида асраб қолади, уни миллий истиқлол йўлбошчисининг сиёсий-фалсафий сиймосини тасвирлашга тадбиқ этади. Бу ижодий усулнинг сири ва моҳияти шундаки, муаллиф Маркс, Энгельс ва Лениндан икки-уч минг йиллар аввал ҳам жаҳон фалсафасини бойитган буюк даҳолар бўлганлигига, уларнинг донишмандлик меросига таяниб фикр юритади. Афлотун ва Арасту, Фаробий ва Ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий ва Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд ва Аҳмад Яссавий, Амир Темур ва Алишер Навоий, Дени Дидро ва Вильгельм Гегел, Зебуннисобегим ва Нодирабегим, Дилшод Барно ва Анбар Отин сингари сиймоларнинг табаррук фалсафий мероси муаллифга қанот бағишлайди. Шу боис ҳам «Юксалиш» рисоласи сиёсий публицистикадан сиёсий-фалсафий ва сиёсий-эстетик публицистикага айлана боради. Бунда диалектика публицистиканинг ўткир қуроли сифатида, публицистика эса сиёсий йўлбошчилик фаолиятига доир маънавий асарнинг миллий либоси сифатида бўй кўрсатади.

Юртбошимизнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган машҳур таъбири билан ифода этганда, Нарзулла Жўраев «эски тоғора» деганда, марксча-ленинча мафкуранинг назарий тизимини тушунади, «эски уй» деганда эса жаҳон ва ўзбек фалсафасида барқарор бўлган қудратли диалектикани англайди. Нарзулла Жўраев миллий мухолифатнинг эски ва янги, катта ва кичик, ҳалол ва ноҳалол вакилларига рўй-рост, дадил қарши чиқар экан, қудратли фалсафий қуролни ишга солади.

Шунингдек, рисолада айрим баҳсли фикрлар, ҳали якунига етказилмаган ўринлар ҳам мавжуд. Масалан, миллатпарварлик деган тушунчани муаллиф (70, 83-бетлар) танқидий талқин этади. Ҳолбуки, миллатпарварликни кенг маънода ҳам тушуниш мумкин. Бунда мазкур тушунча ўзбекпарварликдан ташқари айтайлик, ўруспарварлик, арманпарварлик, қозоқпарварлик, татарпарварлик сингари миллий мазмунларни ҳам қамраб олиши мумкин. Шунингдек, унда юртбошимизнинг шўролар ҳокимияти давридаги фаолиятини кенгроқ ёритиб, рисола ниҳоясида етакчи раҳбаримизнинг асосий асарлари рўйхатини китобхон эътиборига ҳавола этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Умуман олганда, Нарзулла Жўраевнинг «Юксалиш» асарини шаклан мухтасар, услубан пухта, мазмунан бой, омилкорлик билан ёзилган, янги сиёсий-фалсафий публицистик асар, дея баҳолаш мумкин. Шуниси эътиборлики, ушбу рисола китобхон қўлига тегиши арафасида юртбошимизнинг раҳбарлик фаолияти билан боғлиқ учта улкан тарихий воқеа содир бўлди. Биринчиси — 1996 йил январь ойида Президент Ислом Каримов Марказий Осиё минтақасидан биринчи бўлиб АҚШнинг Калифорния штатидаги халқаро илм-фан, маориф ва санъат Академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди. Таъкидлаш лозимки, ушбу Академияга жаҳонда ақл-заковат цивилизациясига улкан таъсир кўрсатган сиймолар фахрий аъзо этиб сайланадилар. АҚШнинг собиқ Президенти Жорж Буш, Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, халқаро Нобель мукофоти соҳиби Ригоберта М. Тум каби арбоблар мазкур Академия аъзоларидир. 1996 йил 1 март куни Тошкентда ушбу Академиянинг Марказий Осиё филиали таъсис этилди ва унга Ўзбекистон фан ва техника Давлат қўмитаси раиси, академик Пўлат Ҳабибуллаев президент этиб сайланди. Бундай жаҳоншумул воқеа-ҳодисалар Президент Ислом Каримов раҳбарлик фаолиятининг тарихий зафарларидан биридир.

Иккинчи воқеа: шу йил 6 февралда Швейцариянинг Лозанно шаҳрида Президент Ислом Каримовга халқаро Олимпия қўмитасининг раиси Хуан Антонио Самаранч томонидан юксак Олимпия олтин ордени топширилди. Бу ноёб орденга элликдан ортиқ жаҳон арбоблари лойиқ топилган. Улар орасида Франция Президенти Франсуа Миттеран, Россия Президенти Борис Ельцин ҳамда Рим папаси сингари атоқли арбоблар бор.

Учинчиси, 1996 йил 25 мартда Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг биринчи навбати ишга туширилди. Унинг иккинчи навбати ҳам июль ойида фаолият бошлаши режалаштирилган. Мазкур автозавод наинки мустақил Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда ҳам шу турдаги илк корхона саналади. Бу завод ўзбек автомобилсозлик саноатининг миллий дарғаси сифатида ўзбекона техника эстетикасининг зафарбахш иншоотидир. Қолаверса, у Президент Ислом Каримов раҳбарлик фаолиятининг фараҳбахш самараси сифатида, айниқса, қадрлидир.

Бу воқеаларни Нарзулла Жўраевнинг «Юксалиш» рисоласида мужассамлашган Президентимиз раҳбарлик фаолиятига доир ҳаётий ҳақиқатларнинг янги, тарихий давоми ва рад этиб бўлмас далиллари сифатида баҳолаш мумкин. Муаллиф рисола ниҳоясида ёзади: «Президент — мамлакат салтанатининг рамзидир. Юрт осойишталиги, халқ турмушининг фаровонлиги, сиёсатнинг изчил ва донолиги салтанатнинг нақадар соғлом ва мустаҳкамлигидан далолат беради... Давлатнинг халқаро майдондаги нуфузи, сўзининг салмоғи ва ўрни шу салтанат қиёфасини белгилайди. Салтанат қиёфаси, ҳамма вақт Президент қиёфаси, унинг хатти-ҳаракати, дунёқараши билан уйғунлашиб кетади». Дарҳақиқат, мустақил ва дахлсиз салтанат рамзи бўлмиш Президент Ислом Каримов айни чоғда миллий юксалиш, миллатлараро тотувлик ва байналмилаллик, қардош ва қўшни халқлар ҳамкорлиги ҳамда бирдамлигининг мунаввар тимсоли, миллий ифтихор ва миллий равнақ рамзидир.

**М. НУРМАТОВ,**
**фалсафа фанлари доктори.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИГА 1996/97 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

## МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 апрелдаги фармонига биноан, академиянинг асосий вазифаси давлат бошқаруви ва жамоат ташкилотлари тизимларининг раҳбарлик лавозимлари учун янги талабларга жавоб берадиган, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Ўқув жараёни ўз ичига кадрларнинг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал тайёргарлик мажмуини қамраб олади. У тингловчиларда ўз соҳасининг билимдони, ташаббускор, муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашадиган, умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган замонавий тафаккурни шакллантиришга қаратилган.

Ўқув дастури ривожланган хорижий давлатларда тўпланган ижобий тажрибалар ҳамда Ўзбекистоннинг бой маънавий ва миллий анъаналарини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Академия ўқув жараёнида тингловчиларга бой маданий, ахлоқий, маънавий қадриятларни сингдириб, шу асосда уларнинг янги шароитларга тез ва машаққатсиз мослашишлари, ўзларининг янгиланган давлатини қуриш ва ислоҳ қилиш жараёнининг фаол қатнашчилари бўлишига имкон яратади. Академия битирувчилари ижтимоий йўналишдаги барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга салмоқли ҳисса қўшишлари лозим.

Академия Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилиши истиқболини мустаҳкамлайди, янги демократик жамиятнинг шаклланишида давлатнинг тутган ўрни муаммоларига доир илмий-услубий тадқиқотларни мувофиқлаштиради ва амалга оширади.

Академияга тингловчилар ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбар ходимлари, жамият ташкилотлари ва бирлашмалари, хўжалик тузилмалари раҳбарлари орасидан қабул қилинади. Академияда ўрта бўғин бошқарув органлари мутахассислари ва раҳбарлари ҳамда тадбиркорлик тузилмаларининг истеъдодли вакиллари таҳсил олиши мумкин.

Тингловчилар олий ўқув юртини битиргандан сўнг камида икки йил меҳнат стажига эга бўлган олий маълумотлилар сафидан танланади.

Академия қуйидаги икки факультетдан ташкил топган:

а) давлат ва жамият қурилиши;

б) бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари.

Академияда ўқитиш муддатлари:

ўқитиш — 10 ой;

қайта ўқитиш — 3 ой.

Академия тингловчилари учун хорижий илғор ўқув ва илмий марказлар, халқаро ташкилот ва фирмаларда ўқув-таништирув машғулотлари ва стажировкалар ташкил этилади.

Академиянинг 10 ойлик ўқув дастурини тўлиқ ҳажмда тугатган тингловчиларга танлаган мутахассислиги бўйича белгиланган шаклда магистр даражасидаги давлат дипломи берилади.

Академиядаги ўқишни муваффақиятли тамомлаган тингловчилар сафидан раҳбар лавозимлар номзодларининг резерви шаклланади. Академияни битирганлар нуфузли давлат муассасаларининг раҳбар ходимлари лавозимларига қабул қилинишда алоҳида имтиёзга эга бўладилар.

## ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Академияга тингловчиларни қабул қилиш қабул комиссияси томонидан амалга оширилади. Қабул комиссиясининг таркиби академия ректори томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича Давлат маслаҳатчиси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

2. Академияга тингловчиларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан белгиланган ўринларга қараб амалга оширилади.

3. Ҳужжатлар 16 июнгача қабул қилинади.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

— давлат, жамоат ёки хўжалик тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят (Тошкент шаҳар) ҳокимлиги раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича хизмати билан келишилган ҳолда тайёрланган йўлланма-тавсияномаси;

— тавсия этилаётганнинг аризаси;

— олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

— сўровнома;

— меҳнат дафтарчасидан кўчирма;

— 086/у — шаклда тиббий маълумотнома;

— 4х6 сантиметр ҳажмидаги 4 та фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

4. Академия тингловчиликка номзодлар учун кириш имтиҳонлари фанларидан 16 июндан 26 июнга қадар консультациялар уюштиради.

5. Академияга кириш имтиҳонлари 26 июндан 5 июлга қадар суҳбат ва компьютер-тест синовлари орқали ўтказилади.

Тест синовлари мутахассисликларга қараб қуйидаги муайян фанлар мажмуи асосида ўтказилади:

давлат ва жамият қурилиши бўйича — Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, иқтисод;

бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари бўйича — иқтисод, ҳуқуқшунослик, информатика, маркетинг ва менежмент.

Ижтимоий-сиёсий мавзу ва чет тили (инглиз ва бошқа тиллар) бўйича суҳбат ўтказилади.

Суҳбат ва тест синовлари икки — ўзбек ва рус тилларида ўтказилади.

6. Академияга танлов қабул комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича хизмати иштирокида амалга оширилади. Танлов суҳбат ва тест синовлари натижалари асосида рейтинг усулида (таълим йўналишлари ва тиллари бўйича алоҳида-алоҳида) ўтказилади.

7. Иккинчи мутахассислик бўйича тингловчиларни ўқитиш манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда алоҳида шахслар билан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Ўқиш муддати давомида тингловчиларнинг асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади. Бошқа шаҳарлардан келган тингловчиларга таҳсил мобайнида асосий иш жойи бўйича ўқиш жойигача бориш ва қайтиб келиш йўл ҳақлари ва суткалик харажатлари тўланади ҳамда улар ўқишга йўллаган ташкилот томонидан харажати қопланадиган ётоқхона билан таъминланади.

Бошқа давлатлар фуқаролари шартнома (контракт) асосида ўқитилади.

Шартнома (контракт) тузиш шартлари ҳамда ўқиш учун тўлов миқдори академиянинг қабул комиссияси томонидан белгиланади.

8. Қабул комиссиясининг қарори 10 июлдан кечиктирилмай эълон қилинади. Ушбу қарор академия ректорига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштириш учун асос бўлади.

Тўлов-шартнома асосида ўқишга кираётган шахслар қабули уларнинг ўқиши учун белгиланган тўлов академия ҳисобига ўтказилганидан сўнг амалга оширилади.

9. Ўқиш 2 сентябрдан бошланади.

# ЖАНГОВАР АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Муддатли ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Биз республика Мудофаа вазирлиги бош штаби бошлиғининг ўринбосари, полковник Ш. Қамбаров билан мазкур қарор қандай бажарилаётгани хусусида суҳбатлашдик*



— Қарорда 1969-1978 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини шу йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш кўрсатилган. Республика мудофаа вазирининг ана шу ҳужжат асосида чиқарган буйруғида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб берилди.

Чақирувни намунали ташкил этиш муҳим ва масъулиятли вазифа. Бу тадбир Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, шунингдек, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Барча бошқарма ва бўлимларимиздаги чақирув комиссиялари тасдиқланган режага мувофиқ ишламоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шунингдек, барча шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари мазкур комиссияларнинг раислари ҳисобланади. Комиссиялар ишида ҳокимликларнинг масъул ходимлари, мудофаа ишлари бўйича бошқарма ва бўлимлар бошлиқлари, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, врачлар фаол қатнашмоқда.

Ҳокимликлар ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг бевосита ёрдами билан тиббий комиссиялар турли флюорография ва электр-кардиология асбоб-ускуналари билан таъминланган. Тиббий кўрикдан сўнг чақирилувчи қизиқиши ва тайёргарлиги, касби, оилавий аҳволига қараб қўшин турларига тақсимланади. Ҳозирги кунда республика Қуролли Кучларининг барча ҳарбий қисмларида армияга чақирилган ёшлар ҳурмат-эътибор билан самимий кутиб олинмоқда.

Йигитларни армия сафига кузатиш ўтган ойнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлиб, бугунги кунда ушбу тадбир республикада зўр уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

**— Жойларда бу тадбирга қандай тайёргарлик кўрилган?**

— Бу масъулиятли иш айниқса Наманган, Бухоро, Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида намунали йўлга қўйилган. Наманган вилоятида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида муайян тажриба орттирилган. Яқинда бу ерда республика Мудофаа вазирлиги ходимлари, вилоятларнинг мудофаа ишлари бўйича бошқарма бошлиқлари ва зобитлари иштирокида илмий-амалий кўргазмали машғулот ўтказилди. Унда ўтган йилги чақирув якунлари ва бу борада йўл қўйилган жузъий камчиликларни тезда бартараф этиш йўллари белгиланди. Вилоятнинг барча туманлари замонавий бинога, тиббий кўрикни кўнгилдагидек ташкил қилиш имкониятини берадиган чақирув пунктларига эга.

Ёшларни армия сафига кузатишда чақирув пунктлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу пунктларда ота-оналарни қабул қилиш, улар билан суҳбатлашиш, зарур ҳолларда эса ёрдам бериш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

**— Шавкат Турсунович, айрим ёшларнинг ҳарбий хизматдан бўйин товлаш ҳоллари ҳам учрайди. Бунинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўриляпти?**

— Тўғри, ёшлар орасида армиядан бўйин товлаш ҳоллари баъзи-баъзида учраб туради. Прокуратура, ички ишлар бошқармалари, мудофаа ишлари бўйича бўлимларнинг вакиллари бу борада тушунтириш ишларини йўлга қўймоқда. Бу тадбир яхши натижа бермоқда.

Ўлкамизда қадим замонлардан ҳар бир йигит, ёшу қари ўзини юрт ҳимоячиси деб билган. Ватан шон-шавкати ва мудофааси йўлида куч-ғайрати, ҳатто жонини ҳам аямаган. Шундай экан, биз авлодларимизнинг анъаналарини давом эттирувчи, дилида, қонида ватан туйғуси мужассам бўлган соғлом, ҳам жисмонан, ҳам руҳан баркамол авлодни Қуролли Кучларимиз сафларига юборишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Зеро, армияда хизмат қиладиган ёшларимиз ота-боболаримизнинг жанговар анъаналарини давом эттириб, истиқлолимиз ва чегараларимизни ҳимоя қилишга ҳамиша шай бўлиши керак.

**Турсунбой БОТИРБЕКОВ**
**суҳбатлашди.**

## ТЕХНИКА ЎРИМГА ШАЙ

***Тошкент вилоятида ғалла ўрим-йиғимига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.***

Хусусан, бу йил аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, барча ўрим комбайнлари туманларда бир жойга тўпланди ва таъмирдан чиқарилди. Техника воситалари вилоят назорат комиссияси томонидан кўрикдан ўтказилиб, қабул қилинмоқда. Бу эса уларнинг мавсумда бенуқсон ишлашини таъминлаши шубҳасиз.

Вилоят ғаллакорлари 131400 гектар майдонда пишиб етилаётган бошоқли дон экинларини 25 кунда ўриб-йиғиб олишга аҳд қилган. Шу мақсадда ўрим комбайнларига техник хизмат кўрсатиш учун 50 та кўчма таъмирлаш устахонаси ташкил этилиб, уларга «Ташсельмаш» заводи мутахассислари бириктириб қўйилди. Шунингдек, мавсум қатнашчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, бажариладиган иш учун ҳар беш-ўн кунда ҳисоб-китоб қилиш тараддуди кўрилмоқда.

Вилоятда бу йил буғдойнинг «Интенсивний» навидан ўн етти минг тонна сифатли элита уруғи тайёрлаш ҳам кўзда тутилган. Шу мақсадда 16 хўжаликни бирлаштирган «Элита» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси иш бошлади. Яна бир янгилик: вилоят дон маҳсулотлари концерни давлат буюртмаси учун топшириладиган ғалланинг сифатини аниқлаш мақсадида республика лойиҳа-қидирув агрокимё станцияси билан шартнома тузди. Кўрилаётган чора-тадбирлар ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш, 214 минг тонна дон тайёрлаш имконини беради.

**(ЎзА).**

***«ТОВУС» ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси ТУГАТИЛАДИ.***

***Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.***

***МАНЗИЛ: Бухоро шаҳри, телефон: 4-97-01.***

# САҲНАДА ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ





***Яқинда пойтахтдаги Ҳамза театри биносида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида қўшиқлар кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлди***

Бизга маълумки, бугунги қўшиқчилик санъатининг дебочаси, таъбир жоиз бўлса, онаси қадим-қадимдаги меҳнат қўшиқларидир. Ибтидоий одамлар ҳам қўшиқ айтиб, ҳаёт машаққатларини енгиллаштирганлар. Қўшиқ бугун-бугунгача инсониятга ҳамроҳ, инсон умрининг йўлдоши. Одам Атога куй билан жон бахш этилганлиги ҳақида ривоят бежиз айтилмаган.

Яхши шеър ёзиб, уни яхши қўшиқ қилган одам ҳаётдан, кишилар эса ундан рози бўлса, арзийди. Чунки ҳамма ҳам инсон дилига йўл топавермайди. Бугунги кунда бизнинг ана шундай халқ дилига йўл топадиган ўз қўшиқларимиз бисёр. Донишманд, меҳнатсевар халқимизнинг дилига, руҳиятига мос қўшиқларимиз ҳар куни қайта-қайта куйланади. Дилимизга хушнудлик бағишлайди. Биз классик қўшиқлар меросимиз билан қанчалик ғурурлансак арзийди. Бугунги кунда ҳам бастакорларимиз ўнлаб яхши қўшиқлар яратмоқдалар. Айниқса, «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танлови эълон қилингандан сўнг юзлаб янги, сермазмун қўшиқлар яратилди. Бу кўрик-танлов мамлакатимизнинг ҳамма жойида кўтаринкилик билан ўтказиляпти. Туманларда, вилоятларда қўшиқлар кўрик-танловининг ғолиблари ўзларининг янги қўшиқларини халққа армуғон этдилар. Шунингдек, республика ички ишлар идоралари ходимларидан 1300 дан ортиқ киши ана шу кўрик танловларда қатнашди. Улар муқаддас ватанимиз ҳимояси ва келажаги йўлида фидойи бўлишга чорлайдиган қўшиқларини намойиш этдилар, қўшиқчилик санъатини ривожлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар. Биз биламизки, ушбу кўрик-танловни ўтказишдан мақсад — Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ватан мавзуида яратилган ҳар томонлама бадиий етук қўшиқларни саралаш, янгиларни яратиш, янги асарлар ёзишга илҳомлантириш ва рағбатлантиришдан иборат.

Яқинда Ҳамза театри биносида республика ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда туманлардаги, вилоятлардаги кўрик-танловларда сараланган, ўзларининг янги қўшиқлари билан ғолиб бўлган осойишталик посбонлари қатнашдилар. Кўрик-танловда 40 дан ортиқ янги қўшиқлар янгради. Ҳамза театри биносига йиғилган томошабинлар киши қалбини ватанпарварлик туйғуси билан бойитадиган, тўлқинлантирадиган, руҳлантирадиган жозибали қўшиқларни тинглаб осойишталик посбонларининг санъатларига тан бердилар. Кўрик-танлов охирида ҳайъат аъзолари ва томошабинлар ғолибларни аниқладилар. Республика Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлар бошқармаси ходими Умар Ҳамидов ғолиб деб топилди. У ўзи мусиқа басталаган, Умаржон Шукуров сўзи билан айтиладиган «Жоним Ватан» қўшиғини куйлаб юксак санъат маҳоратини намоён этди. Шунингдек, ИИВ ички қўшинлар бошқармаси ходимаси Тожибар Азизова ва унинг ўғли Азизбек, Жиззах вилояти ички ишлар ходимаси Назира Раҳматовалар иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси ашулачилар дастаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ходими Қуват Шарипов ва Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходимаси Раиса Исмоиловалар эса ўзларининг таъсирли қўшиқлари билан учинчи ўринни эгалладилар.

Республика ички ишлар идоралари ходимлари куйлаган қўшиқлар осойишталик посбонларининг маънавий савиясини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Улар яратган янги қўшиқлар кишилар қалбида Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат уйғотади. Ватан ҳимояси, фуқаролар осойишталиги йўлида жонбозлик кўрсатишга, юрт тинчлигини таъминлашга хизмат қилишга руҳлантиради. Қўшиқлар кўрик-танловида ижро этилган бу мусиқий намуналар оммабоп бўлиб кетишига ишончимиз комил.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Сўз — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг «Ўзбекистон-Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танловининг якунловчи босқичи иштирокчиларига**

# ЮРАКДАН КУЙЛАНГАН ҚЎШИҚЛАР

**Назира РАҲМАТОВА, Жиззах вилояти ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни белгилаш бўлими ходими:**

— «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танловининг ўтказилиши мустақилликни, Ватанни англаш, уни улуғлаш йўлидаги яна бир янги қадам бўлди. Бу кўрик-танловда бир хил мавзуда, аммо ранг-баранг оҳангдаги, мазмунан турлича қўшиқлар янгради.

Мазкур кўрик-танловнинг аҳамияти ҳақида сўзлаш ортиқча, деб ўйлайман. Негаки, танловнинг номланишининг ўзи ҳеч қандай изоҳга ҳожат қолдирмаган, шекилли.

Мен ушбу беллашувда «Ўзбекистон» қўшиғини ижро этиб, совринли 2-ўринни эгалладим. Жуда ҳурсандман.

**Мўминжон ЎРУНОВ, Боғдод тумани ИИБ Давлат санитария назорати ходими, милиция старшинаси:**

— Қўшиқлар борки, улар куйланганда кўнгил кўзи очилиб, юраклар шошади. Биз вақтида кўп қўшиқлар ўрганганмиз. Фақат дилдан эмас. Шу сабабданми, уларнинг кўпчилигини бугун эслай олмаймиз ҳам. Инсон табиати ҳеч қачон сунъийликни ҳазм қилолмаган. Биз бугун чин Ватанни, ҳурликни улуғловчи қўшиқлар яратаяпмиз.

Инсоннинг қўшиққа ошуфталиги куй-қўшиқнинг кўнгилга, руҳиятга таъсирининг нечоғлик даражадалиги билан боғлиқдир. Бугунги кўрик-танловда ижро этилган қўшиқлар кўнглимизга хос, руҳиятимизга мос қўшиқлар бўлди.

**Санамжон АТАЕВА, Янгиариқ тумани ИИБ қўриқлаш бўлинмаси марказий кузатув манзилгоҳи оператори:**

— Қўшиқда сеҳр бор, дейишади. Чинданам, юракдан куйланган қўшиқларнинг кўнгилларни сел қилгувчи сеҳри бўлади. Лекин қандай қўшиқлар юракдан айтилади? Улар бармоқ билан санарли. Шулар қаторида Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар сўзсиз юракдан куйлангусидир. Шу маънода нафақат бугунги беллашувдаги қўшиқларнинг, балки «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танловларида ижро этилаётган қўшиқларнинг «сеҳри» кучли бўлиши табиийдир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Алижон АБДУРАҲМОНОВ**
**ёзиб олди.**

**Ташкилот**

*исталган кувватга эга бўлган ва турлича ишлайдиган (асинхрон, синхрон, коллекторли, ўзгармас ток, генератор, стартер), шунингдек рўзғор техникаси электр двигателларини таъмирлайди.*

**ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТИБ ОЛАМИЗ:**

*Эмаль-сим, автошиналар, сингдириладиган лак, ГАЗ-24-10-нинг коробкаси билан двигатели, турли рангдаги бўёқлар, болгаркалар, 160, 110, 100, 90, 75, 22, 55, 75, 15, 18 кВт номерли двигателлар, подшипниклар, карбид.*

**ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАМИЗ:**

*646-эритгич, кир ювиш порошоги, турли модел ва кувватга эга электр двигателлари, 300 мм. кувурлар, ЛБ-40, ДРЛ-250, ДРЛ-400, 500 Вт лампалар, ҳар хил кафеллар, рубероид, битум, ОХП-10 ўт ўчиргич, мебеллар: ошхона, юмшоқ ётоқхона гарнитури, девор, 1.5, 2, 3 мм.ли поронит, монтаж сантехникаси, кунтўсгич, ККП-1 кабель аравачаси, ёвочни қайта ишлайдиган дастгоҳ, ШБ-5 ўтга чидамли ғишт, ХМ плиткаси, электр рубильник, монтаж белбоғлар, 40, 50, ўлчамли уголниклар, 12-18 ўлчамли арматура.*

**Ҳақ тўлаш шакли ихтиёрий. Тўловга векселларни ҳам қабул қиламиз.**

**Маълумот учун мурожаат қилинг: Чирчиқ шаҳри,**

**ТЕЛ.: (37171) 533-37, 536-84.**

**"KELAR" ФИРМАСИ**

**қуйидаги маҳсулотларни таклиф қилади ва сотади:**

1. УАЗ Я-245-1, 215/90-1 учун автошиналар.
2. Шахсий компьютерлар.
3. Принтерлар "EPSON".
4. Телефон аппаратлари.
5. Автоматик кофеқайнатгичлар.
6. Аккумулятор СТ-60.

Шунингдек, дезодарантлар, кир ювиш порошоклари, ҳавони янгилатгич, ҳинд чойи ва озиқ-овқатлар.

**ТЕЛ.: (3712) 627-486, 629-030, 629-067.**

«Ўзистиқболстат» Давлат қўмитасининг Иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг илмий котиби Гулнора Шомирзаева ва унинг оиласига турмуш ўртоғи

**Рустам ШОМИРЗАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Малика» акционерлик жамияти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Енгил саноатига қарашли «Чарм» корпорациясининг раҳбари, кўп йил корхонада ишлаган

**Маҳамадамин АБИДОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Маҳсулотларни тайёрлаш ва сифати бўйича Бош давлат нозирлиги нозирликнинг катта инспектори Отаулла Дўстназаровга падари бузруквори

**ДЎСТНАЗАР отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти раҳбарияти ва «Ер тузиш» факультетининг жамоаси «Ер тузишни лойиҳалаш» кафедраси доценти Ришат Сафагариевга фарзанди

**Ильёс САФАГАРИЕВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

